- 30297

ГУЛОБОД ЧИННИСИ

САМАРҚАНД. Туман маркази – Гулобод қўрғони яна бир саноат корхонаси билан бойиди. Бу ерда йилига 1,5 миллион дона чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган кичик корхона ишга туширилди. Туман ҳокимлиги "Нафис" ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда корхонага асос солди. Ҳозирча ишлаб чиқарилаётган пиёла ва ликопчалар харидорбоплиги билан эътибор топмоқда. Келажакда корхонани кенгайтириш, 20 ўрнига 300 киши меҳнат қиладиган ишлаб чиқариш масканига айлантириш кўзда тутилган. Гулобод чойнак, лаган ва пиёлалари хорижга йўл олса ажабмас.

Лутфулла **МАМАСОЛИЕВ.**

ТЕМУРИЙЛАР МУЗЕЙИГА ҚЎЙИЛДИ

ТОШКЕНТ. Замонамизнинг ажойиб меъморий кошоналаридан бири бўлиб турган Амир Темур ва темурийлар давлат музейи яна бир ажойиб буюм билан бойиди. Ситора Эркин қизи ёш бўлишига қарамай, ажойиб попончи эканини намойиш этди. 3,5х2,5 метр ҳажмдаги сўзана турли ранг ва гуллар билан безатилган бўлиб, томошабинлар диққатини жалб қилмоқда. Қизиғи шундаки, сўзана тасвирларида Соҳибқирон давридаги 12 боғнинг ўзига хос хилқатлари ифодасини топган.

Анвархон **АҲМАДҚОРИ ўғли.**

КУННОМА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

МУНОСИБ СОВҒА

НУКУС. Хўжайли темир йўл станцияси ходимлари муносиб совғага эга бўлишди. Уларга 120 ўринли шифохона қуриб берилди. Айни пайтда бу ерда 150 кишига тиббий хизмат кўрсатадиган поликлиника ҳам ишлаб турибди. Шифохона замонавий асбобускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барча қулайликларга эга. Тиббиёт масканини 624-қурилиш-монтаж бирлашмаси жамоаси муддатидан илгари қуриб битказди.

Рейимбой **ЕШИМБЕТОВ.**

АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

АНДИЖОН. "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида ўтган йили жами 29635 та "Нексия", "Тико" ва "Дамас" русумли, халқаро андозаларга мос автомобиллар ишлаб чиқарилди. Бу йил эса 125180 та автомобиль ишлаб чиқариш мўлжалланган. Демак, йил охирига борib, бир кеча-кундузда чиқариладиган автомобиллар 500 тага етказилади. Муҳими, машиналаримиз шуҳрати ошиб, уларга талаб ортиб бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари шартнома тузишмоқда. Жумладан, Россия Федерациясига 10 мингта автомобиль етказиб бериш кўзда тутилган.

Аҳмадилло **СОЛИЕВ.**

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 23 январь, пайшанба № 10 (22.095).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 январь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари Норберт Холлни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари БМТнинг Афғонистондаги миссияси зиммасига масъулиятли ва айни пайтда мураккаб вазифа юклангани ҳамда унинг ушбу жафокаш заминда тинчлик ўрнатиш борасидаги ҳаракатлари Ўзбекистон томонидан юксак қадрланишини билдирди.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти Афғонистон муаммосига ўз эътиборини янада кучайтириши лозимлигини таъкидлади.

Норберт Холл Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида илгари сурган ташаббуслари ва мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳаракатларини юксак баҳолаши ва қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Суҳбат чоғида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, урушаётган томонлар ўртасида ўзаро тинч музокараларни бошлаш жараёни билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, республика ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

* * *

Шу куни БМТнинг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари Норберт Холл Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ҳам ташриф буюриб, вазир Абдулазиз Комилов билан учрашди.

(ЎзА).

Замон — иш билганники!

САВДО, ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЯНА САНОАТ

Зумрад опа савдо-ю тижоратни жамоанинг (жумладан, ўзининг ҳам) иккинчи даражали иши деб билади. Унинг учун муҳими — ишлаб чиқариш. Шу сабабли Қумқўрғонда ва ҳатто, вилоятда кўплаб ишларини Зумрад опанинг ишларига ростлашмоқчи бўлишади. Аслида Зумрад Ҳайитова — савдо ходими. «Қумқўрғонсавдо» ҳиссадорлик жамияти раиси. Шаҳардаги маҳаллаларнинг бир замонлар аломат вазифаларида ишлаб келган ва мўйловини болта кесмайдиган, ҳозирда нафақагами, истеъфогами чиққан раислари ҳам «Опа» дейишади. Яна бир «поддержка»! Аралашмасангиз бўлмас деб қўл қовуштиришади. Билишадики, опа аралашмаса иш ишкаллигича қолаверади. Опа бошлиқ жамоа бир дашт жойдан ўз кучи билан 25 гектар ер очди. Қўриқдаги дарахтлар ҳосилга ўтирди. Ана энди 10 гектаригами пахта экадилар.

Жамоанинг ўз зардўзлари, гилам тўқувчилари, чеварлари, новвойлари бор. Яқинда бўлса бу ерга «Тошавтомашинасозлик» корхонаси ҳамкорлигида шифер ишлаб чиқарадиган ускуналар келтириб монтаж қилинмоқда.

1997 йилда насиб этса ишлаб чиқаришдан олган даромадимиз савдонинг даромадидан ошиб кетади, дейди Зумрад Ҳайитова ишонч билан!

Олимжон УСАНОВ,
Сурхондарё.

ОШКОРА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 22 январь куни мамлакат оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган бу учрашувни республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ҳукуматимиз республика оммавий ахборот воситалари ишини янада ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани учрашувда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган ҳар бир материал ҳаққоний, холис бўлиши лозим. Мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари кенг тарғиб этиши даркор. Матбуот саҳифаларида, телевидение ва радиода маънавиятимиз юксак даражада акс этиши зарур.

Учрашувда ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари саҳифаларида чоп этилаётган мақолаларнинг сифатига алоҳида аҳамият бериш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавзуларда кўпроқ ёзиш, ижодда бир ёқламаликка йўл қўймаслик, меъёрни унутмаслик, шунингдек, журналист ходимларнинг малакасини ошириш учун уларни қайта ўқитиш ва бошқа масалаларга, мавжуд муаммоларни биргаликда, ҳамжиҳат бўлиб бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди.

Учрашувда сўзга чиққан Ў. Ҳошимов, Р. Шоғуломов, А. Орипов, С. Саидвалиев, А. Хўжаев, З. Ҳакимов, А. Мелибоев ва бошқалар матбуотнинг таъсирчанлигини ошириш, юртбошимиз томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

(ЎзА).



ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА МАТБУОТ БРИФИНГИ

АҚШ давлат департаменти вакили Николас Бэрнс матбуот брифинги ўтказди. Бэрснинг айтишича, давлат департаменти Исроил ва Фаластин ўртасида Хеврон бўйича келишув Исроил парламенти томонидан кўриб чиқилмагунча шарҳламасликни маъқул деб топди.

ТАШҚИ СИЁСАТ МАҲКАМАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

АҚШ Президенти Билл Клинтон ўз маъмуриятида ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланувчи юқори лавозимли ходимлар билан учрашди. Мазкур учрашувда НАТОнинг кенгайиши, Европа хавфсизлиги, шунингдек Европа хавфсизлиги қурилишида Россиянинг жойини аниқловчи хартия билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Оқ уй матбуот котиби Майк Маккэрининг таъкидлашича, учрашувда қандайдир бир қарорлар қабул қилиш эмас, балки муаммоларни муҳокама қилиш асосий ўринни эгаллади. Унда мамлакат вице-президенти А. Гор, давлат котиби Кристофер, давлат котиби ўринбосари Тэлботт, бошлиқлар штаби бирлашган қўмитаси раиси генерал Жон Шаликашвили, давлат котиби лавозимига янги сайланган М. Олбрайт хоним, шунингдек Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича янги маслаҳатчиси С. Бергерлар иштирок этишди.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ ФЕВРАЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

Кеча Россия пойтахтига расмий ташриф билан келган АҚШ давлат котиби ўринбосари Строуб Тэлботт ва АҚШ вице-президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Лион Ферт «Гор-Черномирдин» комиссияси йиғилишига тайёргарлик кўриш масалаларини Россия томони вакиллари билан муҳокама қилдилар. АҚШ давлат департаменти расмий вакили Николас Бернснинг таъкидлашича, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича мазкур ҳукуматлараро комиссиянинг саккизинчи учрашуви шу йилнинг февраль ойида Вашингтонда ўтказилади. Россияга ташриф давомида Тэлботт ва Ферт, шунингдек, Европа хавфсизлиги, НАТОнинг кенгайиши ва икки томонлама ҳамкорликнинг бошқа масалаларини ҳам муҳокама қилишади, деб айтди Бэрнс.

ГАЗЕТА МУХБИРИ ШАРҲИ

Америкада чиқадиган «Лос-Анжелес Таймс» газетаси мухбири шу йилнинг 27 январида Чеченистонда ўтказиладиган президент сайлови ҳақида мақола эълон қилди. Муаллифнинг фикрича, мустақил Ичкерия Республикаси президенти лавозимига бўладиган сайловда 16 номзод қатнашсада асосий устунлик Аслан Масхадов ва Шомил Басаевлар томонидадир. Агар Басаев ғалаба қилса Россия ва Чеченистон ўртасидаги эндигина шаклланаётган тинчликка путур етиши мумкин. Гап шундаки, Басаев Россияда Будённовскдаги касалхонани эгаллаб олганидан кейингина маълум бўлган шахсдир. Чеченлар у бу ишни ўз халқини қутқариш учун қилган деб ҳисоблайдилар. Россия томони эса президентликка бугунги номзоднинг бу ҳаракатини бошқача идрок этиб, Басаев Россиянинг биринчи душмани дейишмоқда. Лекин шунга қарамасдан, мақола муаллифининг таъкидлашича, «миллий қаҳрамон» Басаев Чеченистоннинг биринчи президенти бўлиши учун барча имкониятларга эга. Бунга Россия ҳеч қандай тўсқинлик қилолмайди.

ИШЧИЛАРГА АРЗОН НАРХДА

• НУКУС. Хўжайли пахта тозалаш заводининг «Хўжайли толаси» ҳиссадорлик жамиятига айланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ишчилар, хизматчилар, муҳандисларни ижтимоий ҳимоялаш, янги иш жойларини ташкил қилишда жамият анчагина ибратли ишларни амалга оширди.

Бу ерда гилам, полос тўқиш цехлари ишлаб турибди. Янги пойабзал тикиш, таъмирлаш устахонаси ҳам очилган. Ўз ишчи ва муҳандисларига арзон нархда пойабзал тикиб, таъмирлаб бераяпти. Бундан ҳиссадорлик жамияти аъзолари миннатдор.

(Ўз мухбиримиздан).

Муносабат

БОЗОРЧИ БОЛАЛАР

Халқимиз бозорни юрт боғи деб таърифлайди. Унда турмушнинг ўзига хос даражаси намоён бўлади, муаммолари кўринади.

— Кеп қолинг, энг арзону зўр нон, — дея харидор чақиради бозорнинг кираверишида велосипед рулига сават қўйган болакай.

Бу ҳолатга бепарво кетолмай ундан сўрайман.

— Мактабда дарс бўлмаяптими?

— Кирим турганда дарс керакми, — деб савол билан жавоб қилади бола.

— Бундай топганинг бугунга, мактабда ўрганган илминг бир умрга ярайди, — деб гап уқтиришга уринаман.

Болакай елка қисади. Бозор ва болалар ҳақида ўйга толаман. Аслида айб боладами? Улар мисоли навқирон новда. Қаёққа эгсангиз эгилади. Уларнинг ота-оналари, халқ таълими ходимлари қаёққа қараяптилар? Боланинг бугун пул топганидан қувониб, мактаб, ўқиши қолиб кетаётгани, баъзи фарзандларимиз чаласавод бўлаётганини сезмаяптиларми?

Болаларнинг савдо-сотиққа берилгани бозордагина эмас, ҳар қадамда кўринади. Тумандан Андижон шаҳрига бориш учун автобусга чиққанимда мактаб ёшидаги, қўлларида сумка тутган ўғил-қизларга кўзим тушди.

— Ўқишгами? — деб сўрадим улардан.

— Йўқ, бозорга, — дейишди улар дадиллик билан.

— Мактабга борсаларинг бўлмайдими?

— Ўқитувчимизнинг ўзи бозорда бўлганидан кейин...

— Қайси мактабда, нечанчи синфда ўқийсизлар?

— Тўққизинчида, — дейди бўйи тикроқ қиз.

— Бозорга нима олиб кетяпсизлар?

— Қуртоп.

Автобусга қутича кўтариб чиққан боланинг сўзамоллик билан сақичу, печеньесини мақташи суҳбатимизни бўлди. Автобус бекатидаги дўконча-да ҳам сотувчи болакайга рўпара келдиму, суҳбатга тутиб ўтирмадим...

Тижорат дўконида ҳам ёймачилар қаторида ҳали вояга етмаган, мактаб ёшидаги болаларнинг савдо-сотиқ қилаётганларини кўрдим. Ўз қаричимиз билан ўлчаб, баҳолаймизда. Қаранг, биримиз болаларнинг ёшлигидан ишбилармонликни ўрганиб пишаётганидан, ўзи пул топаётганини айтиб унга хайрихоҳ бўламиз. Бошқамиз турмуш ташвишлари ёшу кексани бозорга ўргатяпти, деб ўзимизни оқлаймиз. Бозор иқтисодиёти фақат бозордан иборат эмаслигини фарқламай қоламиз. Буларнинг барчаси болаларимизнинг келажагини чуқур ўйламаслигимиз, лоқайдлигимиз оқибатидан эмасми?

Барча бозорчи бўлиб кетса, дастгоҳни бошқараётган устаишчи, ташкилот-корхонадаги хизматчи-мутахассис, шифохонадаги доктор, илмхонадаги зиёкор, даладаги ҳосилотга ким ўринбосар бўлади? Фарзандларимиз ҳали ёш бўла туриб бозорда ўралашиб қолишса, малакали мутахассисларга ёлчиймизми?

— 1945 йили Сегаза қишлоғидан уч киши Андижон шаҳридаги бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсига борганимизда бўз бола эдик, — дея ўтган кунларни хотирлайди кекса муаллим Аслиддин Солибоев. — Онамиз кунига иккитадан юпқа, пиёланинг оғзидек келадиган зоғора нон ёпиб берардилар. Олти кунга 12 та зоғорани орқалаб, ўттиз чақиримга пиёда жўнардик.

Мактабда бир йил ўқиб чойхонада чой ичмаганмиз, ошхонада овқатланмаганмиз, ҳозирги ўқувчию толибларга яратилган шарт-шароитлар ҳавас қиларли. Шуларни ўйлаб қани энди болалигим қайтсаю мириқиб ўқисам дейман.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида айрим одамларнинг боқимандаликдан халос бўолмаётгани, чидамсизлиги туфайли туғилаётган баъзи қийинчиликларни енга олмай болаларимизни бозорга чиқариб кўнглимиз таскин топадими?

Бугун фарзандларимизнинг бозорда бўлишидан кўра билимли бўлиши муҳимроқ эмасми? Бундан ойламизга ҳам, мамлакатимизга ҳам келадиган наф бозордагидан минг карра ортиқ бўларди-ку! Мактабга бормай, бозорга жўнаётган баъзи болаларнинг ота-оналарию, келажагимиз эгаларининг устозлари—меҳрибон муаллимлар бу муаммонинг маъзини чақиб кўрсалар яхши бўларди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎН МИЛЛИОН ДОНА

ФАРҒОНА. *Бувайда қишлоғида янги тикувчилик-тўқимачилик фабрикаси ишга туширилди. Йилига 10 миллион дона турли кийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу фабрикада мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотлар харидорларга манзур бўляпти.*

Алишер ИБОДИНОВ.

МИЛЛИЙ КОНВЕРТИМИЗ БЎЛАДИМИ?

ЁКИ «ПОЧТА СССР» ҚАЧОНГАЧА СУДРАЛАДИ?

Ҳар гал почтадан оқиб келаётган конвертларни кўздан кечираётиб, мени ток ургандек, бир нарса сескантириб юборади. У ҳам бўлса, «Почта СССР» деган марка. Конвертларга босма услубда туширилган бу битик нечун ўзбек алоқачиларимизнинг ғашига тегмас экан, деган фикр тинчлик бермайди. Бундан ташқари конвертлар юзидаги «Куда», «Кому», «Пишите...», «Образец...» деган русча сўзлар ҳамон давлат тилига ўгирилмаганига нима дейсиз? Бунинг устига ўша аввалги тузумнинг герби ва бошқа қатор белгилари ҳозир кимга, нимага керак ўзи?!

Таажжубли бу саволга аниқлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар бош почта хонасига кириб... не кўз билан кўрайликки, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан пойтахтга юборилган ҳамма хатларга босилган муҳрларда «Почта СССР» деган ёзувлар...

Бу — ҳазил эмас

Мустақиллик одимларимиз руҳини акс эттирадиган конвертлар, табриknомалар ҳанузгача тайёрлаб чиқарилмаганлигига афсусландик.

Гап шундаки, шу пайтгача хатлар устига босиладиган почта муҳрлари фақат Россиянинг Пермь шаҳрида тайёрлаб келинарди. Ўзбекистондаги уч мингдан ортиқ алоқа бўлимлари бундай муҳрлар учун буюртма беришган. Улар аллақачон тайёр бўлган ҳам. Ҳатто Тошкент темир йўл вокзалига олиб келинган ҳам. Айтишларича, эгалари ана шу муҳрларни олиши учун божхоначиларнинг ўнлаб ҳар хил ҳужжатларни талаб қилишаётгани халақит бераётган эмиш. Шу ростмикин?

Абдулла ПЎЛАТОВ.

РАИСНИНГ ҲОМИЙСИ ...ТРАКТОР!

Танқидга жавоб келди, бироқ...

«Ўзбекистон овози»нинг 1996 йил 21 ноябрь сонида «Раиснинг ҳомийси ким?» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Сирдарё туманидаги «Синдоробод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Сайдазим Синдоров ҳали участка агрономи вазифасида ишлаган пайтда, яъни 1993 йил октябрь ойида жиноий ишда иштирок этганлиги, 1994 йил 14 апрелда унга нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги, бу ҳақда вилоят прокуратураси қайта-қайта расмий хат юборса-да, эътиборсиз қолдирилгани ҳақида сўз кетганди. Таҳририятга ушбу мақола юзасидан жавоб келди. Сирдарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ.Янгибоев ва вилоят прокурори Ф.Раҳимовларнинг алоҳида-алоҳида ёзиб юборган (улар бир хил манбаларга асосланишган, албатта) жавобларида айтилишича, жиноят иши вилоят суди томонидан кўриб чиқилиб, С.Синдоров халқ депутатлари Сирдарё туман кенгашига депутат этиб сайланганлиги ва барча судланувчиларнинг жавобгарлик масаласи фақатгина Р.Шаропов билан биргаликда ҳал этилиши лозим деган асослар билан қўшимча терговга қайтарилган. Хўш, Р.Шаропов қаерда,деб сўрашингиз мумкин. Жавоб шундай: «Р. Шаропов терговдан яшириниб қочиб кетганлиги сабабли унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилиб қидирув эълон қилинган». Р. Шаропов ҳам ўз «эҳтиёт чораси»ни кўриб юрибди, десак ишонаверинг. Ҳокимнинг биринчи ўринбосари ёзади:»Қўшимча тергов ўтказилиш жараёнида аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам, 1995 йилда жамоа хўжалигига Шаропов *(терговдан яшириниб қочиб кетган — таҳририят)* номидан МТЗ маркали трактор келган ва кирим қилиниб хўжаликда ишлатилмоқда... Яъни, ўз вақтида Синдоров Қ. билан Шаропов Р. ўрталарида тузилган шартнома ҳозирги вақтда бажарилган, жамоа хўжалиги ҳеч қандай зарар кўрмаган, трактор ишлатилиб хўжаликка фойда келтирмоқда».

Тавба, ҳуқуқ-тартибот идоралари сўроғидан қочиб юриш билан жиноий иш терговини тўхтатган Р.Шаропов ғойибдан «МТЗ-80» русумли тракторни юборибди-ю, у трактор хўжаликка фойда келтираяпти-ю, биз бўлсак «Раиснинг ҳомийси ким?» деб жар солиб юрибмиз. Иккала жавобдан қилган хулосамиз шундай: ўз вақтида 18.632 килограмм лимонни қоғозда Чирчиқдаги озиқ-овқат комбинатига олиб кетилди, деб расмийлаштириб, аслида бу маҳсулотни аввал Санкт-Петербургга, бозори юришмагач Минскка элтиб сотган С. Синдоровнинг ҳомийси туман ёки вилоят ҳокимлигидаги масъул шахслар эмас, балки орадан икки йил ўтгач жамоа хўжалигига келтирилган «МТЗ-80» трактори экан. Нима дардингиз бўлса ўша тракторга айтаверинг. Янаям ифодали айтадиган бўлсак, раиснинг «танка»си трактор! Турган-битгани темирдан иборат бу «паҳлавон»га газета сўзи кор қилганини ҳали учратганимизча йўқ.

Ғамхўр бўлса раҳбаринг

«ФАРҲОД»ДА ИМКОНИЯТЛАР ҚИДИРИБ ТОПИЛЯПТИ

Ховос туманидаги 71-«Фарҳод» автокорхонаси ҳиссадорлик жамияти раиси Раҳматилла ҚАРШИБОЕВ билан суҳбат

— Раҳматилла ака, мулкчиликнинг янги турига ўтиб ишлашдаги дастлабки қадамлар қандай кечмоқда?

— Вилоятимиз транспортчилари орасида бизлар бу янги усулга биринчилардан бўлиб қўл урган эдик. Рости, шундай қилганимиздан энди мамнунмиз. Чунки бултурнинг ўзидаёқ жамоа аъзоларига 1,5 миллион сўм дивиденд тарқатилган эди. Ўтган йилнинг дастлабки олти ойлик натижасига кўра 1 миллион 60 минг сўм дивиденд тарқатилди. Иккинчи ярим йилликда эса бундан ҳам юқори натижаларга эришдик. Дастлабки ҳисоб-китоблар иккинчи ярим йиллик якунига кўра 2 миллион сўм дивиденд тарқатиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундан хабар топган жамоамиз аъзолари янада ғайрат билан ишламоқдалар.

— Демак жамоанинг иқтисодий кўрсаткичлари юксалиб бормоқда, шундайми?

— Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб ишлаётганимиздан бери деярли ҳар ойни 6—7 миллион сўмлик фойда билан якунламоқдамиз. Бу йилига ўрта ҳисобда 70—80 миллион сўм, деганидир. Ўтган йилнинг 9 ойлик якунига кўра олган соф фойдамиз 7 миллион сўмни ташкил этди.

— Жамоадошларга акцияларни тарқатиш қандай кечади?

— Бу борадаги ишларнинг ҳаммаси жамоа билан келишилган ҳолда, ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида ҳал этилади. Меҳнат жамоамизнинг устав фонди белгиланган сўнг, жами 29 минг 939 та акция чиқарилди. Унинг ҳар бирини 100 сўмдан қилиб белгиладик. Мавжуд акцияларнинг 74 фоизи жамоаники. Умумий йиғилиш қарорига биноан бу ерда ишлаб кетган 109 нафар фахрийларимизнинг ҳар бирига 4 тадан бепул акция берилди. Қолган акциялар ҳам жамоа аъзолари ўртасида адолат бўлиши учун ҳар бир кишининг иш стажига қараб тарқатиладиган бўлди. Бизнинг сафимизга янги ишга келган кишига 4 тадан акция берилади. Шундай қилиб бу борадаги барча тадбирлар кўпчилик билан кенгашилган ҳолда муроса ва келишув йўлида ҳал этилади.

— Дивидендларни олиш тартиби қандай?

— Бу тадбир ҳам жамоа билан келишилган. Ҳар қайси акция эгасининг банкда ўз ҳисоби очилган. Уставимиз тартибига кўра биз улар билан йилига икки бор ҳисоб-китоб қиламиз. Акция эгалари хоҳласалар банкдан нақд пул оладилар ёки бўлмаса чек сифатида фойдаланишлари мумкин.

— Янгича шароитга ўтилганидан сўнг жамият раиси сифатида қайси ҳоллардан чукур қониқиш ҳис этмоқдасиз?

— Янгиликнинг ижобий томонлари кўп. Илгари шофёрларимиз омадли иш, қулай, фойдали рейсларни танлашар эди. Ҳиссадорликка ўтилгач, ҳар бир аъзомизда ялқовлик барҳам топди. Ҳозир ҳамма иш топгиси, ишлагиси келади.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳар ким ўзи бошқараётган машинага эгалиги, унга эътибори кескин ўзгарди. Шофёрларимиз ҳайдов машинаси бузилиб қолса, тайёр қисм топиб бер, деб кутиб ўтиришмайди. Бу борада олдиндан ўз ғамини еб юради. У ёки бу машинанинг таъмирлаш цехида узоқ вақт туриб қолиши камдан-кам содир бўлмоқда.

Олинган фойда ҳисобидан яқинда ёнилғи-мойлаш шаҳобчасини қайта қуриб олдик. Ҳозир эса туманимиз марказида оталар чойхонаси қурмоқдамиз. У ҳам яқин кунларда битади. Ҳар икки қурилишга кетган харажатни акцияга айлантирамиз ва жамоа орасида уларни сотамиз. Бундан ҳам акциядорлар манфаатдор. Чунки уларнинг акциялари қанча кўп бўлса даромад ҳам шунча кўп бўлади. Биз шулардан руҳланиб, янги-янги мақсадларни режалаштирмоқдамиз. Жумладан, эски ёнилғи-мойлаш шаҳобчамиз ҳудудида иморат қурилиши учун шлакоблок цехини қурмоқчи бўлаяпмиз. Керакли ускуналарни олиб келиб қўйдик. Бизга маҳсулот ташиб келиш арзонга тушади. Иккинчи томондан эса янги қурилишлар учун имконимиз кўпаяди. Яқинда икки оилага уй қуриб бердик. Яна тўрт оилага уй қурмоқчимиз. Ўзимиздан ортган шлакоблокларни эса четга сотамиз. Бу билан ҳам иш ўринларини кўпайтирамиз, ҳам жамоамизни бойитамиз.

— Жамоа аъзоларининг ўртача ойлик маошлари қандай бўлмоқда?

— Олинадиган маошлар — бажариладиган ишларимиз ҳажмига боғлиқ. Ҳозирча ўртача иш ҳақи 2500 сўмданга тўғри келмоқда. Бироқ бизда ҳар ким ишлаганига қараб ҳақ олади. Мисол учун ўтган йил сентябрь ойида шофёрларимиздан Абдужамбил Худойқулов 27 минг 117 сўм, Абдурауф Кўчмуродов 13 минг 286 сўм, Зикрилла Нарзуллаев 9 минг 983 сўм маош олдилар.

Дарвоқе, йил якунига кўра олинган даромадлар ҳисобидан 10 та «Нексия» енгил машинасини сотиб оламиз ва уларни тегишли идоралар рухсати билан туманимиз ҳудудида маршрутларга қўямиз. Бундан ҳам одамлар манфаатдор бўладилар. Чунки, Ховос ҳудуди кенг, доимо автобус хизматига муҳтожлик сезиб келадиган туманлардан. Биз эса ўз навбатида нақд пул тушумини кўпайтириб, йўловчиларга маданиятли хизмат қилишни йўлга қўямиз. Бу борада ҳозирнинг ўзидаёқ тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИСОТИДАН ДЎКОН ҚУРГАН АЁЛ

Янги замон одами

Уч йил бўлди, Мавлуда опанинг феъли ўзгарди. Тадбиркорлик билан шуғулланиши келиб, савдони танлади.

Опанинг ҳикоясидан:

— Ўша йиллари қишлоқда савдо хизмати ўта ёмонлашиб кетган эди. Магазинлар шип-шийдон, раҳбарлар дўконда 8 турдаги маҳсулот бўлиши керак, дейишарди-ю, лекин амалда ҳеч нарса ўзгармасди...

Турмуш ўртоғи Мавлуданинг мўлжали аниқлигини билгач, маслаҳатига кўнди. Қишлоқ четидаги ташландиқ магазин биносини сотиб олишга ота-онасини ҳам, қариндош-уруғларидан тортиб фарзандларигача кўндирди. Ҳамма топганини ўртага ташлади. Бу орада бинони битказишга қодир ишчи кучлари ҳам топила қолди. Қишлоқда ишсиз юрган йигитлар бажонидил кўмакка ошиқишди. Иш қайнаб кетди. «Яшиқобод» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Эргашали Бозоров, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Одилжон Носиров, кейинчалик тумандаги раҳбарлар қўлларидан келганча мадад кўрсатишди.

1993 йилнинг бошлари эди. Давлатдан 186 минг сўм қарз олинди. Савдо маркази битди. Мавлуда опа энди эътиборни дўконларни кўпайтириш-у, уларни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш пайига тушиб қолди. Сендан ҳаракат, мендан баракот, дейилганича бор. Интилишларнинг натижаси кўрина бошлади. Ўша йили Мавлудахон қишлоқдошлари учун 10 миллион сўмлик мол-маҳсулот етказиб берди. Битта дўкони тўрттта магазинга айланди. Учқўрғон шаҳри марказида, «Андижон» ва «Яшиқобод» жамоа хўжаликларида замонавий, маҳсулотга тўла дўконлар эл корига ярай бошлади. Жамғармаларидан орттирганларига «КамАЗ» юк автомашинаси, трактор харид қилишди. Шундай қилиб, йилига 15 миллион сўмлик маҳсулот савдосини амалга оширишга эплик жамоа юзага келди.

Муъжазгина фирма эди. Ҳозир опа бошқараётган бу жамоани «Яшиқобод» савдо ҳиссадорлик жамияти деб аташади. Истиқлолнинг ойдин йўлида ўз йўналишини топган опа раҳнамолигидаги мазкур жамоа бетиним изланяпти. Шу кунларда қишлоқда 22 сўтиҳ майдонда икки қаватли замонавий магазин қад кўтармоқда. Ўтган ҳафтадан бошлаб жамоада яна «миш-миш» оралаб қолди. Мавлуда опа айтаётганмиш — жамият ўзининг янги деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этаркан. 20 гектар майдонда пахта етиштириларкан. Толасини давлатга сотиб, қолган қисмидан ДСП ишлаб чиқариш йўлга қўйиларкан!

Опанинг сўнгги ҳикоясидан:

— Шу кунларда фикр-хаёлим—фанер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Жиззах ва Тошкент мебелсозлари бу соҳада шогирд тайёрлаб беришга розилар. Шогирдликка биринчи ишқибозлар — фарзандларим. Маъмура, Шуҳрат, Маҳфуза, Муяссар, Марғуба, Шерзодбек ва Ҳасан-Ҳусанлар янги касбга талпиниб туришибди. Ҳунар яхшида!..

МУСТАҚИЛЛИК қулфи-дилини очган Мавлудахон Хўжамбердиева ўз жамоаси ташвишидан ортиб, Учқўрғон туман тадбиркор хотин-қизлар уюшмасига раҳбар ҳам. Опанинг бу борадаги эзгу ниятлари ҳам беҳисоб. Ишларингиз бароридан келаверсин, опа!

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда бугуннинг нафаси

«Андижон» агрофирмаси қадоқлаш цехи ишчиси Зарифа Ҳусанова.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Вобкентдаги Охунбобоев жамоа хўжалигининг қамишдан девор тўсиқлар тайёрлаш цехи устаси (чапда) Зокиржон Иброҳимов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Уйғоқ юраклар

КЎНГИЛГА МАЛҲАМ ҚЎЙИБ

Дарднинг келиши осон, кетиши қийин, дейишади. Айниқса, ўзига эҳтиёткорлар қутилмаганда шифоталаб бўлиб қолишади. Бундай кезда дардга эмас, қўнгил малҳамига кўпроқ эҳтиёж сезамиз. Шифокорларнинг аввал сўз, кейин дори, сўнг жарроҳлик омиллардан фойдаланишлари ҳам шундан. Сайдулла Абдуллаев ҳам шифокор. У киши иккинчи Тошкент Давлат медицина институтининг ички касалликлар қайта тиклаш бўлими бошлиғи. Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали тиббиётчи. Биз чеҳрасида самимият зоҳир бу инсон билан суҳбатда бўлдик.

— Шифохонамизда асосан асаб, жигар, буйрак, юрак-қон томир дардига чалинганлар даволанади. Бошқа бўлимлардан фарқи, бизда бемор ниҳоятда оғир аҳволда келтирилади. Уларнинг руҳиятини қўтариш, яшашга умид уйғотиш ҳамда аниқ ташҳис ва муолажалар самараси ўлароқ оёққа турғизиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинади. Иккинчи марта ҳаётга келганлар «шоҳона бўлим» деб эъзозлашганини кўп эшитганман. Бизда бир йўла 16 нафар бемор даволанади. Шароит етарли. Албатта шундай пайтлар бўладики, бемор билан тонг оттиришга тўғри келади. Боиси, ҳаётини сақлаб қолишга тун бўйи интиламиз. Беморнинг жисмоний ва руҳий чидамлилиги, фойдаланилмаган имкониятларининг қанчалиги, шифокорнинг эса тажрибаю салоҳияти ўзига хос синовдан ўтади.

Телефон жиринглаб, шифокор узр сўраб, гўшакни кўтарди. Зарур йўл-йўриқлар, тез ёрдам ва муолажа ҳақида уқтирди.

— Ана шунақа, ҳарбийчасига тез ва аниқ ишлаш ва фикр юритишга тўғри келади, — сўзида давом этади шифокор. — Ҳатто уйда ҳам ҳаловат йўқ. Лекин ўрганиб қолишган. Муҳими, касбингни севганингдан кейин ҳар қандай юмуш ҳам малол келмас экан.

— Кечирасизу, қийин соатларда танлаган касбингиздан ҳеч нолиганмисиз?

— Бир воқеа ёдимга келади. Мактабда ўқирдим, ўшанда. Хасталаниб узоқ даволанишга тўғри келди. Алам ўтганидан: қани энди ўзим шифокор бўлсам, деб юборган эканман. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам фаришта омин дейди-да. Қарабсизки, талабалик йиллари хотирага айланди. Фан номзоди, бўлим бошлиғи бўлиш насиб этди. Орзуларим ушалган. Лекин бу билан кифояланишга ҳаққим йўқ. Боиси, ҳамма нарсани биламан, деган инсон кўп илмлардан бехабар қолади.

— Сизнингча бугунги замонамиз тиббиётчилари қандай бўлиши керак?

— Бу бошқа гап. Мустақилликка ҳам беш йилдан ошди. Барча соҳалар каби тиббиётимизда ҳам ўзгаришлар бўляпти. Аммо, замон талабларига ҳос, халқаро андозаларга мос бўлиш учун ҳали кўп ишлар қилишга тўғри келади. Чунки, тиббиётимиз бобокалони — Ибн Синонинг ворисларимиз. Биз шунга эришайликки кўрсатган кароматларимиз, кашф этган янгиликларимиз жаҳон ҳамжамияти шифокорлари ўртасида мунозара, баҳс ва эътирофга лойиқ деб топилсин. Ана шунда соғлом авлодни камол топтиришда ҳиссадор эканимиз, аён бўлади.

Суҳбатдош: Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Хатларда ҳаёт акси

«ЮЛДУЗ» ЙИЛНИ МУНОСИБ ЯКУНЛАДИ

Ўтган 1996 йил бутун республикамиз халқи сингари бизнинг бригадамиз меҳнаткашлари ҳаётида ҳам ўзига хос унутилмас йил бўлди. Чунки бригадамиз аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқиб давлатга пахта сотиш йиллик режасини муддатидан анча олдин бажарди.

Мавжуд 74 гектар пахта майдонидан 250 тоннадан зиёд пахта ҳосили олинди. Бу ҳосилнинг асосий қисмини сентябрь ойида йиғиштириб, 25 сентябрдан кузги буғдой экишга киришдик. Мен 12-13 ёшимдан далада ишлаб келмоқдаман. Ўзимнинг кўп йиллик иш тажрибаларимдан хулоса чиқариб, пахтанинг «Юлдуз» нави бошқа навларга нисбатан анча тез пишар, толаси сифатли эканига ишонч ҳосил қилдим. Бизда айрим пудратчилар гектаридан 45-50 центнердан ҳосил олдилар. Собиров Мақсуд, Эрназарова Дармон шулар жумласидан.

Мен бу навни эккан барча «юлдуз»чи пахтакорлар, деҳқонлар номидан «Юлдуз» навини яратган олимга умрингиз юлдуздай узун бўлсин, яна ҳам тез пишар навлар яратишдаги изланиш ва меҳнатларингизга муваффақиятлар ёр бўлсин, дейман.

Ўғилжон ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Хоразм вилояти, Урганч тумани,
«Оқ олтин» жамоа хўжалиги 12-бригадаси бошлиғи.

«САЙХУННОН» ИШ БОШЛАДИ

Сайхунобод тумани аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Туман марказида янги ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди. «Сайхуннон» цехи ишга туширилди. Цехда 20 хилга яқин нон маҳсулотлари тайёрланади. Бундан ташқари бу ерда қаҳвахона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахоналари жойлашган.

Юсуф АБДУАЛИМОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КИМДАН КЎРСАТМА КУТЯПСИЗ?»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил 6 апрель)

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган «Кимдан кўрсатма кутяпсиз?» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Мақола шаҳар Топономия комиссиясининг 1996 йил 17 майда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилди. Ушбу йиғилишда газета кўтариб чиққан масала тўғри деб топилди. Мақола руҳидан келиб чиққан ҳолда барча туман ҳокимликларига мавжуд эски тузум ва коммунистик мафкурага оид жой номларини ўзгартириш тўғрисидаги ўз таклифларини шаҳар Топономия комиссиясига киритиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилди.

Тушган таклифларни кўриб чиқиш, такрорликка йўл қўймаслик, янги номнинг жойга мослигини аниқлаш каби илмий-амалий изланишлар орқали 1996 йилнинг 11 июнь ва 5 сентябрида пойтахтдаги мавжуд эски тузум ва коммунистик мафкурага оид кўча номларини ўзгартириш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг махсус қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар орқали пойтахтдаги 200 дан ортиқ кўча ва даҳа номлари ўзгартирилди. 14 та мактаб номи миллий истиқлол мафкурасига зид бўлганлиги учун олиб ташланди.

Шу билан бир қаторда мақола жузъий хатолардан ҳоли эмаслигини, жумладан, фашизмга қарши бўлган урушда ҳалок бўлган, тошкентлик қаҳрамон Виктор Малясов номини олиб ташлаш тўғрисидаги газета таклифи мантиққа зидлигини алоҳида таъкидлаб ўтамиз.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. ЖАЛИЛОВ.

«ШАРМ-ҲАЁ ҚАЁҚДА ҚОЛДИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил 5 март)

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1996 йил 5 март сонида эълон қилинган «Шарм-ҳаё қаёқда қолди?» сарлавҳали мақоласида билдирилган фикрларни атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида четдан китоб олиб келиб сотиш билан шуғулланувчи фирмалар кўпайиб кетди. Улар фаолиятини мунтазам назорат қилиб туриш эса, руҳсатга олган туман ҳокимликлари назаридан четда қолган. Оқибатда мақолада тўғри таъкидлаб ўтилганидек, китоб расталарида шарқона ахлоққа зид, ёшлар тарбиясини бузадиган шарм-ҳаёсиз китоблар кўпайиб кетган.

Бунга чек қўйиш мақсадида 1996 йилнинг апрель ойида Ўздавматбуотқўм, Тошкент шаҳар ахлоқ милицияси, шаҳар солиқ бошқармаси ва Ўзбеккино компанияси биргаликда мақола изидан «Орият» номи билан текширув тадбирларини ўтказди.

Уч кун давом этган текширишларда анчагина камчиликлар аниқланди. Жумладан, шарм-ҳаёсиз 436 видеотасма, 536 нусхали босма нашрлари мусодара қилинди. Бу иш билан шуғулланаётган беш юридик шахсга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Иккита жиноий иш қўзғатилди. Шарқона ахлоқ-одобга тўғри келмайдиган адабиётлар Россия, Латвия, Белоруссия ҳамда Қозоғистон республикаларидан келтирилганлиги аниқланди.

Шуларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги туман ҳокимликлари, «Ўзтошкитоб» савдо бирлашмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар эътиборини ушбу масалага қаратиб, мунтазам китоб савдосини назорат қилиб туриш ҳақида кўрсатмалар берди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. ЖАЛИЛОВ.

(«Хатларда ҳаёт акси» рукни материалларини Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади).

Мустақиллик иншоотлари

ЧЎЛ БАҒРИДАГИ ШИТОБ

Қоровулбозор чўлининг ороми бузилганига уч йил бўляпти. Минглаб техника кеча-кундуз тиним билмайди, кучли ёритгичлар саҳро тунини чок-чокидан йиртади. Бунёдкорлар чарчоғни унутганлар. Бу ерда бошлиқларни, мутахассисларни ишчидан фарқлаш қийин: ҳаммасининг интилиши, маслаги битта—нефтни қайта ишлаш заводини ўз муддатида ишга туширш! Бу кун эса яқин.

3-«Бухороагроқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси Исмоил Неъматов билан суҳбатда бўлдик. Уларнинг ғайрати билан 10 минг квадрат метрли саҳнга эга бўлган 54 та уй-жой қуриб битказилибди. 725 ўринли клуб, меҳмонхона, соғломлаштириш мажмуини айтмайсизми?

Дарҳақиқат, жамиятнинг 105-, 199, 204-, 205- кўчма механизациялашган жамланмаларидан келган ишчилар вақт билан ҳисоблашмаяптилар.

Қурилиш майдони бўйлаб юрамиз. Бир томонда катта сиғимли резервуарлар тикланяпти, иккинчи томонда буғ, қисилган ҳаво, энергия узатиш каби жуда мураккаб жараёнлар битириляпти, учинчи томонда корхонани яшил иҳоталаш. Табиат эса ўжар — бир қарайсиз чанг-тўзон, бир лаҳзада унинг ўрнини совуқ эгаллайди, ёмғир томчилайди. Бу ерлагилар ҳаммасига ўрганиб қолишган. Қурилишда ишлар ҳал қилувчи паллага кирган ҳозирги пайтда бошқа ташвиш не қилсин? Ахир, у тўрт-беш ой ичида ишга туширилмоқчи-ку. Иш уч сменада кетяпти. Масъулият ва шитоб ҳар сонияда сезилиб турибди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт олами

ЧЎМИЧ ҲАМ МОЙ, ҚОЗОН ҲАМ...

Мирзо Улуғбек номли Каттақўрғон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти нафақат Самарқандда, балки республикамизда ўз шуҳрати ва довруғига эга корхона. Айни пайтда Тошкент, Навоий шаҳарлари ва республикамизнинг кўпгина туманларида корхонанинг 50 дан ортиқ фирма дўконлари халққа хизмат кўрсатаётир. Илгари корхона тозаланмаган мой ишлаб чиқариш билан кифояланган бўлса, бугун халқ хўжалиги учун ўта ноёб ҳисобланган алиф ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Республикамиз саноати учун янгилик бўлган бу маҳсулотдан ўтган йили 36 минг тонна ишлаб чиқарилди.

Жорий йилда корхонада 100 тонна совун ишлаб чиқариш учун Россиядан олиб келинадиган каустик содани сақлайдиган янги омборхона ишга туширилди. Энг муҳими, Исроил мамлакати билан ҳамкорликда суюлтирилган совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шампунь ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Биз шундай халқмиз

ОҒРИЛЯЛТИ

Қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган икки кичик воқеа бир-бирига сира ўхшамаса-да, сиз уларни ўқигач, муштарак жиҳатлари борлигига ишонасиз.

БИРИНЧИ ВОҚЕА

Эрталабки нонушта пайтида олти ёшли ўғлим негадир ўнг қўлини кам ҳаракатлантираётгани диққатимни тортди.

— Нима қилди?

— Кеча ҳовлида футбол ўйнаётганимизда катта болалар тагида қолиб кетдим. Биттаси қўлимга тепиб юборди.

Бирдан ловиллаб кетдим.

— Қайси бири, оти нима?

Ўғлим «миқ» этмади. Фақат «қаттиқ оғримаяпти», деди, холос.

—Бугундан бошлаб копток тепишни йиғиштир, — гапга аралашди жиғибийрони чиққан онаси. — Агар футбол шунақа бўлса...

Хуллас, мен ҳам, онаси ҳам ишга, болалар эса боғчага кетдик.

Кечқурун «қаранг, қўли шишибди, докторга кўрсатсакмикан», деб қолди хотиним.

— Эти эзилган бўлса керак, қўйёғи суриб боғлаб қўйса қайтар, дедим.

Эртасига ҳам одатдагидек биз ишга, болалар боғчага жўнадик. Кечқурун келсам хотиним бир алпозда ўтирибди.

— Бунча бепарвосиз, қўли баттар шишиб кетибди, — деди.

— Оғрияптими? — сўрадим.

— Сал-пал...

Қўлининг сурати туширилган плёнкани дераза ёруғида кўрар экан, шифокор

— Қандай қилиб ёш болани уч кунгача синган қўли билан уйда олиб ўтирдинг-лар-а? — деди.

Бечора ўғлим дадам футбол ўйнашимга рухсат бермай қўяди, деган ўйда оғриғини айтмай юрган экан.

ИККИНЧИ ВОҚЕА

Яқинда шу ўғлим яна кўчадан ўпкаси тўлиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб келди.

— Нима бўлди, биров билан уришдингми? — сўрадим.

У кафтлари билан оқаётган ёшларини артишга ҳаракат қилар, лекин уддасидан чиқолмасди.

— Нима гап?

— Биз, биз ют-қа-зиб қўй-дик, — деди узуқ-юлуқ қилиб.

Шу пайт унинг коптогини кўтариб ўртоқлари кириб келишди.

— Йиғлама, шунгаям йиғлайсанми? — деб таскин бермоқчи бўлди улар ҳам.

— Бугун ютқазсанг, эртага ютасан. Бор, юз-қўлингни ювв, — дедим.

Энди у илгаригидай овоз чиқариб йиғламас, фақат жаж-жи елкалари силкиниб-силкиниб, қўярди холос. Лекин менга ҳам, дўстларига ҳам тик қарашга ботинолмас, ерга тикилганича турарди. Ўғлимни айбдордек ер сузиб туришини кўриб, бўғзимга нимадир қадалгандай бўлди. Чунки кичкинагина боланинг бу йиғисида эркакларга хос орият бор эди. Ҳатто ота бўла туриб, мен ҳам бу нарсани дарров англаб ололмаганимга ҳайрон бўлдим...

Энди икки воқеани солиштириб кўринг. Синган қўли билан уч кун «миқ» этмай юрган бола футболда ютқазиб қўйиб юм-юм йиғлаганига нима дейсиз.

Орият — номус кучи тан жароҳатидан-да азоблироқ экан. Лекин буни ҳамма ҳам сезавермайди-да.

Бугун улар ўз ор-номуси учун курашсалар эртага опа-сингил, маҳалла-кўй, индин эса эл-юрт, мамлакат шаъни учун курашадилар. Бундай ўғлонлари бўлган юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Зотан, ориятли халқ енгилмайди.

Қодиржон ҚАЮМОВ.

Муборак Рамазон мутоаласи

ОҚ ИП ҚОРА ИПДАН АЖРАЛГУНЧА...

Билъакс, бу сафар рўзанинг аҳкомлари—ю, фазилатлари ҳақида сўз юритишни ният қилмаганмиз. Зеро, филҳол рўзага дахлдор ва ўзига хос бир илмий баҳсни эътиборингизга ҳавола этиб, кўпчиликда қизиқиш уйғотсак мурод ҳосил бўлурди.

Маълумки, рўзанинг вақти тонг ёришмасдан то кун ботгунчадир. Ҳозирги мутараққий замонда бу нарсалар оддий тақвимлар воситасида аниқланади. Халқимиз орасида эса «оқ ип қора ипдан ажраладиган пайт бўлганда оғиз ёпилади», деган гап бор. Хўш, бунинг бирор асоси борми? Агар бўлса унинг замиридаги маъно қандай? Шу саволга жавоб учун изланишга тўғри келди. Илк манбаимиз шубҳасизки, Қуръони карим бўлди. Бақара сураси, 187-оятни Алоуддин Мансур шундай таржима қиладилар: «Ва тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар». Араб тилидаги «ал-ҳайт ал-абйаз вал ҳайт-ал-асвад» сўзларини «оқ ип ва қора ип» деб таржима қилинган. Дарвоқе, араблар бу сўзларни тўғри маънода ҳудди шундай тушунадилар. Аммо, Қуръон оятлари ўрганилгани сари янгидан-янги маънолар тажаллий этаверади. Мулоҳаза билан фикримизни давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

Рус шарқшунос олими, академик И. Ю. Крачковский ўзининг Қуръон таржимасида юқоридаги маънога ҳамоҳанг ёндошади: «Еште и пейте, пока не станет различаться пред вами белая нитка и черная нитка на заре...» Христиан миссионери Г. С. Саблуковнинг русча таржимасида ҳам шунга яқин талқин бор. Яна бир таржимани кўрайлик. Муҳаммад Али Қуръонни инглизча таржимасида бу оятни яна бошқача талқин этган: «Whiteness of the day-blackness of the night» (Муҳаммад Али, Quran, 84-бет). Яъни «Куннинг ёруғи — туннинг зулмати». Демак бу ерда оқ ип қора ип сўзлари аввалги таржималардан фарқ қилади.

Мадинаи Мунаввара яшаб ижод этган, бизга «Риёзус солиҳийн», Қуръони карим ва бошқа арабча китоблар таржимаси орқали таниш миллатдошимиз Олтинхонтўра Маҳмуд Тирозий бу оятни ўзига хос ўгирган: «Енглар ва ичинглар то равшан маълум бўлгунча сизларга субҳнинг оқ ифи қора ифидин».

Кўриниб турибдики, бир оятни таржимасида турлича ёндошишлар бор. Агарда маъно А. Мансур ва И. Крачковскийлар айтмоқчи «оқ ип ва қора ип», бўлса, унда тонг отмасидан бурун ойдин кечада ҳам оқ ипни қора ипдан ажратиш мумкинку. Бордию, инглизча таржимадагидек «куннинг ёруғи ва туннинг зулмати» бўлса, нима учун оқ ва қора ип деб юритиладди. Балки, Олтинхонтўра «субҳнинг оқ ипи қора ипдан равшан бўлгунча», деганларида бошқа маънони кўзда тутгандирлар.

Келинг яхшиси, Қуръони каримнинг араб тилидаги шарҳ ва тафсирларига мурожаат этайлик. Ҳофиз ибн Касирнинг «Тафсирул Қуръанил азийм» тафсирларининг ўзига хослиги шундаки, оятлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадислари орқали шарҳланган. Тафсирнинг бундай услубини уламолар «тафсир бил маъсур» деб атайдилар. Ибн Касир 187-оятни тафсири учун бундай ҳадисни келтиради: «Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Адий ибн Ҳотим (саҳоба) шундай дейди: «оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар...» ояти нозил бўлгач, мен қора ва оқ ипни ёстиғимни тагига жойлаб қўйдим. Унга қарай бошладим. Ҳар иккала ип бир биридан ажраладиган бўлганда саҳарликни тўхтатдим. Эрталаб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб, қилган ишимни айтсам, у киши: «Ундай бўлса ёстиғинг жуда кенг экан, ахир бун (оқ ва қора ип) дан мурод куннинг ёруғи ва туннинг қоронғусику», дедилар.

Ибн Касир бу ҳадисни шарҳлаб, пайғамбаримизнинг «ундай бўлса ёстиғинг жуда ҳам кенг экан», сўзларини маъноси: «Агарда ёстиғингни остига оятда айтилган оқ ва қора ипни, яъни куннинг ёруғи билан туннинг зулмати сиғган бўлса, ёстиғингнинг кенглиги Ғарб билан Шарқнинг кенглигича бўлиши керак», деб таъкидлайди.

Имом Бухорий ўзларининг «саҳиҳ»ларида мазкур оятнинг тафсири учун яна бир ҳадисни келтирадилар: «Адий ибн Хотим розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё, Рассулуллоҳ, «оқ ипу қора ип» нима дегани, бу ерда ҳақиқатдан ҳам иплар ҳақида гапирилаяптими?» дедим. Ул зот: «агар ип деб ўйлаган бўлсанг, янглишибсан» дедилар. Сўнг: «Асло ундай эрмас. Улар тун қоронғулигию, кун ёруғлигидур, деб айтдилар».

Таниқли муфассир аллома Маҳмуд Замаҳшарий «Ал Кашшоф» тафсирларида бу оятни қуйидагича изоҳлайдилар: «Оқ ип-тонгнинг уфқда пайдо бўлувчи илк нуридир. У худди чўзилган ипга ўхшайди. Қора ип-тонгнинг ёруғлиги билан бирга ёйилувчи қоронғуликдир. Ҳар иккаласи оқ ва қора ипга ташбиҳ этилади. Агар сен ўхшатишнинг бу тури истиорага кирадими ёки ташбеҳга?, деб сўрасанг, жавоб шулки: оятдаги «тонг палласида» деган сўз уни истиораликдан чиқарди. Чунки агар сен бирор одамни назарда тутиб, «шерни кўрдим», десанг гапинг истиора бўларди. «Фалончи шерни кўрдим», десанг ташбеҳга айланиб қолур».

«Саҳл ибн Саъд Соъиддийдан ривоят қилинишича бу оят нозил бўлганда «тонг палласида» деган сўз тушмаган экан. Одамлар рўза чоғи оқ ва қора ипни боғлаб олишаркан. Кейин оят: «Тонг палласининг оқ ипи қора ипидан ажралгунча еб ичаверинглар», деб тўлиқ нозил бўлибди. Шундан кейин одамлар икки рангдаги ипдан мурод тун ва кун эканлигини билиб олишибди.

Хулоса шуки, Қуръони карим оятларини қанчалик чуқур сержило ва ўхшатишларга бой эканлигига яна бир бор иқрор бўламиз. Оллоҳ таоло барчамизни муборак ойда ўз раҳмату мағфиратидан бенасиб қилмасин.

Мирзааҳмад МИРАФЗАЛОВ.

ҲИНДИСТОНГА РОССИЯ САМОЛЁТЛАРИ

ИРКУТСК. Россия билан Ҳиндистон ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди. Унга кўра, февраль ойидан бошлаб Ҳиндистон Россиянинг СУ-30 русумли қирувчи самолётларини сотиб ола бошлайди.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, шартнома қиймати 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида бўлиб, Россия Ҳиндистонга 5 йил давомида 30 та ана шундай самолёт етказиб беради.

МАШҚ ПАЙТИДА ҚУЛАБ ТУШДИ

ТЕЛЬ-АВИВ. Исроилнинг Ф-15 русумли жанговар самолёти ҳаво машқлари пайтида қулаб тушди.

Исроил қуролли кучлари раҳбариятининг маълум қилишича, бу воқеа мамлакат жанубида рўй берган. Самолётни бошқариш имконияти бўлмагани учун иккала учувчи ҳам уни тарк этишга мажбур бўлган. Айни вақтда ҳалокат сабаби ўрганилмоқда.

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ БЎЛМАГАЧ

Россияда иш ташлашлар кўпайиб бормоқда

Инсон борки, эртанги кунга ишониб яшайди. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан-да яхшироқ ҳаёт кечирсам дейди. Кишилар эзгу-ниятларининг рўёбга чиқишида улар яшаётган жамиятдаги муҳит, ижтимоий шароитнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Бинобарин, ўз мамлакати равнақи учун жон куйдириб ишлаётган меҳнат аҳли ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари шу давлат томонидан тўлиқ кафолатланган ҳолда ҳимоя қилинса бундай жамиятда барқарорлик, ривожланиш аниқ сезилади. Агар бунинг акси бўлса-чи? Унда инқирозга юз тутиш ҳеч гап эмас.

Ўтган йилнинг охири ва бу йилнинг бошидаги Россия ҳаётига назар ташласангиз, МДҲдаги энг йирик бу давлатнинг ана шундай муаммоларга дуч келаётганининг гувоҳи бўласиз. Мамлакатнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида иш ташлашлар кўпайиб бормоқда. Айни пайтда аҳолининг амалдаги ҳукуматдан норозилиги ҳам кучаймоқда. Меҳнаткашлар ҳақли талаблар билан чиқишяпти. Гап шундаки, бу ердаги бюджетдаги кўплаб корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари ўз ишчи-хизматчиларини, ходимларини вақтида маош билан таъминлай олмаяпти. Айрим минтақаларда ҳатто 5-6 ойлаб маош берилмаяпти.

Шу боис ҳам меҳнаткашлар ҳозирча ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклашнинг «инқилобча усули» — иш ташлашдан фойдаланишмоқда. Ўтган йили Кузбасс кўмирчилари, Узоқ Шарқ энергетиклари кетма-кет иш ташлаган бўлсалар, бу йил бу «ташаббус»ни ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари «қўлга» олдилар. Нима қилишсин ахир? Давлат улардан миллиард-миллиард рубль қарздор бўлса. Очиғи, оилани боқиш, нормал ҳаёт кечириш учун ҳам маблағ зарур-ку.

Россия матбуоти хабарларига кўра, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бутунлай барбод бўлган. Мамлакатда узоқни ўйламай, амалга оширилган монетаристик сиёсат кутилган натижани бермаган. Натижада нафақадорга пенсия, талабага стипендия, ишчи-ходимга иш ҳақи беришга ҳам давлат пул тополмаяпти. Айни чоғда федерация субъектлари ва марказ ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам ўзи бўшаб қолган «бюджет қопини»тўлатиш имконини бермаяпти. Эндиликда ҳокимият юқори органлари томонидан тузилган аллақандай «ВЧҚ»лар минтақалардан бюджет солиғини ундириш ҳаракатида. Лекин уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳам мазкур муаммо бутунлай ҳал бўлмаётгани аниқ.

Расмий маълумотларга қараганда, ҳозир Россия аҳолисининг 23 фоизи ўртача кун кўриш минимумидан паст даражада, қашшоқликда яшамоқда. Бу статистика маълумоти. Аслида-чи? Россия Федерацияси Президенти маъмурияти бошлиғи Анатолий Чубайснинг «Труд» газетасига берган интервьюсида таъкидланганидек, бугунги кунга келиб ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган аҳолининг учдан икки (3/2) қисми ойлик маошгача қандай яшасам (агар у ҳам вақтида бериб турилса) экан, деган ўй-хаёлда юришибди. Тўғри, бу ерда дўконлар маҳсулотларга лиқ тўла, истаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Лекин етарли пул бўлмагандан кейин бундай магазинларнинг кимга кераги бор?

Одамларнинг талаби оддий: сарфлаган меҳнати учун иш ҳақини ўз вақтида олиш. Лекин буни на иш берувчилар, на ўз фуқароси манфаатини ҳимоя қилиши лозим бўлган давлат идоралари кафолатлай олмаяпти. Россия ҳукумати кеча бир минтақада иш ташлаган кўмирчилар иш ҳақи муаммосини ҳал қилган бўлса, бугун бошқа бир ҳудудда сўнгги чора излаб шу йўлни танлаган энергетикларнинг ҳақли талабига дучор келмоқда.

Хўш, нега шундай бўляпти? Россияда ҳокимиятнинг давлат қурилиши ва жипслашишидек қийин жараён собиқ иттифоқ тарқалиб кетгандан бери ҳали-ҳамон давом этмоқда. Юқорида айтганимиздек, иқтисодиётда монетаристик сиёсат, «фалаж терапияси» каби усуллар Россия менталитетига, турмуш тарзига тўғри келмаслиги аён бўлиб қолди. Бинобарин, энг катта хато кучли ижтимоий сиёсат — Россияда устувор давлат йўналиши сифатида белгиланмагани бўлди. Мамлакат аҳолисини, шу жумладан кам таъминланган оилаларни, ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали тизими йўқлиги бугунги кунга келиб ҳукумат раҳбарларини ҳам ўйлантириб қўйди. Россиядаги «ислоҳотлар ижодкорлари»дан бири Анатолий Чубайснинг фикрича, («Труд» газетаси 11-сони) ижтимоий муҳофаза тизимини эндиликда тубдан қайта қуриш лозим. Яъни шундай схемани таркиб топтириш керакки, оилада даромад жон бошига ҳисобланиб, реал ижтимоий мадад ана шунга боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу, унинг таъкидлашича, ташкилий маънода улкан ишларни амалга оширишни талаб қилар экан. Хуллас, режалар кўп ва хўп тузиляпти. Лекин... ҳозирча Россияда иш ташлашларнинг кети узилмаяпти. Мана куни кеча Россия телевидениеси Узоқ Шарқнинг Владивосток шаҳрида тиббиёт ходимлари иш ташлаш эълон қилганини хабар қилди. Бу ердаги дўхтирлар беморларга «жуда оғир хаста бўлмасангиз, иш ташлаш тугагунча кутиб турасиз» дейишмоқда. Билмадик, вазият шу тарзда давом этса, эртага Россияни нималар кутяпти экан?!

Аслиддин БОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Шарҳловчи нигоҳи

Братиславадаги «Форум» меҳмонхонаси.
(ЎзА) олган сурат.

Меъморчилик

ПАХСАДЕВОР ҚАСР

Мисрлик меъмор саудиялик амирга унинг қишлоғида пахсадевордан қуриб берган қасри ниҳоятда пишиқ бўлиб чиқди.

Ислом меъморчилигини тиклаш ва режалаш марказининг раиси, фан доктори Солиҳ Ламъий бундан 5 йил муқаддам саудиялик бир амирга, унинг илтимосига кўра у туғилиб ўсган қишлоғида биринчи марта пахсадевордан бутун бир қасрни лойиҳалаб, қуриб берган эди. Пахса бу ер об-ҳаво шароитига дош бериши учун ишлатиладиган тупроқ таркибига кимёвий моддалар қўшилиб, рентген нури ёрдамида технологик ишловдан ўтказилган эди. Дабдабали меъморчилик оламида ўзига хос янгилик бўлган бу пахса қаср Саудия Арабистонида сўнгги 5 йил давомида рўй берган узлуксиз сел офатларига тўла бардош берган. Бу табиий офатдан у 5 фоиз ҳам зарар кўрмаган.

Темир, бетон в тошлар меъморчиликда асосий қурилиш материалига айланиб қолган шу кунларда пахса ўзининг ҳом ашё сифатида аввалги ўрнини эгаллаши учун бу ўзига хос тажрибани ҳар томонлама ёритиш ва тарғиб қилиш мақсадида бу ҳақда инглиз тилида қўлланма чоп этишга қарор қилинган.

ВИЛЛАГА ҲОЗИРЧА ХАРИДОР ЙЎҚ

ПАРИЖ. XX асрнинг машҳур рассоми Пабло Пиккассонинг Франция жануби-ғарбидаги Мужена вилоятида жойлашган вилласи ўз харидорини тополмай турибди. Вилла табиатан жуда баҳаво жойга жойлашган бўлиб, ёнгинасидан Мужена дарёси оқади, уч қаватли бу кошонанинг 35 та хонаси ҳамда 2 гектардан кўпроқ боғи бор.

Виллани сотувчилар унча ҳам кўп сўрашгани йўқ: 26 миллион франк, яъни, 5,2 миллион доллар сўрашаяпти холос. Вилладан айрилишни хоҳлаб қолган мусаввирнинг қизи Катрин Ютен-Билэпнинг айтишича, кейинги 10 йил ичида вилладаги ҳеч нарсага қўл теккизилмаган. Рассомнинг ноёб асарлари билан бой бўлган бу кошонани Мужена мэри Роже Дюалднинг фикрича, давлат сотиб олиши керак, вилла маданий ёдгорлик сифатида халққа хизмат қилиши лозим. Бунинг учун давлат рассомнинг биронта асарини сотса кифоя, шу сотилган асарнинг пули виллани бемалол сотиб олишга етади.

Шунақасиям бўлади

УЗУН СОҚОЛЛАР — ВОСВОСДАН САҚЛАНИНГ

Польша. Варшава полициячилари ғалати жиноятчи «изи»дан қувяпти. Афсус, ҳозирча ҳеч қандай натижа чиққани йўқ. Қонунбузарни «савдойи бўлса керак» деган тахминлар билан боришяпти. Уларнинг гапида жон борга ўхшайди.

Поляк полициячилари қидираётган жиноятчи чеккароқ пивобарларга киради-да, икки нафар улфатни бир-бирига «ёпиштириб» кетади. Қандай қилиб дейсизми?

Жиноятчи шундай улфатларни — албатта, соқоли узунларини танлайди. Бундайлар Польшада истаганча топилади. Сал «қизишган» узунсоқол ёнига «тенгини» бошлаб келиб, хаб дори қўшилган бир кружкадан пиво билан сийларкан. Узун соқоллар «шилқ» этиб тушгач, пивохўрларнинг соқолларини боғлаб, сўрғич билан ёпиштириб кетаркан. «Ёпишган»лар ҳушига келгач эса соқолларидан ажраб қолмоқда.

Бир қарашда кулгули туюлади. Ҳазил, мутойиба ҳам икки-уч қайтарилса кишида кулгу уйғотмайди, балки фикрлашга мажбур этади. Шу пайтгача Польшада бундай ғалати «жиноят-саргузашт» тўрт марта рўй берди. Полициячилар ҳам жиноятчининг мақсадини англаб етишолмаяпти. «Восвос касалига йўлиққан бемормикин?» Одамлар шундай хаёлгаям бориб, соқолларини қаерга яширишни билмай жони ҳалак.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

XX аср юлдузлари

АФСОНАВИЙ АЛИ

Машҳур кишилар ҳаёти бир қарашда фақат олқишу шодлик билан ўтаётгандек туюлади. Биз уларни кўпроқ ғалаба дамларида шоҳ супани забт этиб турганда кўрамиз. Ҳаётнинг аччиқ чучугини аслида юлдузлар бизданам кўпроқ «таътийди». Юлдузлик мангу эмас! Улар вақти келиб бир чеккада қолиб кетмайдиларми? Санъаткорлар ҳақидаку, эслаб турамиз. Спорт юлдузларининг тақдири-чи? Улар руҳан бир йўла икки «шоҳ супа»дан тушиб қолишади. Бири-шуҳрат, бири, энг оғири бўлса керак, мухлислар назаридан. Бошқа юлдузларни билмадим-у, машҳур спортчилар ўрнатган рекорд «янгиланганда» уни бот-бот эслаймиз. Баъзан эса... Спорт ўзи шиддат демакдир. Қўшиқчининг яхши қўшиғини ёдлармиз. Лекин спортчининг рекордини-чи? Ҳадебмас.

Мана, айтайлик Муҳаммад Али. Али дунёни титратган боксчи эди. Лекин ҳамма юлдузлар ҳам боқиймас. Бир кун сўнади. Бу табиий. Аслида уларнинг бариям «аср юлдузи» бўлавермайдилар. Али эса асрнинг ёркин юлдузи эди. У не-не паҳлавонларнинг тумшуғига боплаб «туширган». Менимча унинг кучли зарбасидан дунёдаги мана-ман деган рақибларим чўчирди. «Али афсонавий қаҳрамон», «Муҳаммад Али дунёнинг энг зўр боксчиси», «Жаҳон чемпиони» «Уч карра мутлақ жаҳон чемпиони» бўлиш эса... Ҳақиқий афсонавий қаҳрамонлик-да? У ҳақда бир неча фильмлар яратилган. Тўғри, баъзилари бадийлаштирилган. Лекин барибир томошабин оғир вазнли чемпион, Муҳаммад Алининг аччиқ қисматини эсга олади. «Кассиус Клэй ўз номидан нега воз кечди?», «Муҳаммад Али (Кассиус Клэй)» дея ҳатто унинг олдинги исмини ҳам қавс ичида қайд этишни ҳам унутмайдиган репортёрлар ҳам юлдузни эсламай қўйди. Машҳур боксёр ҳали шоҳсупадалигида ҳатто унинг шахсий ишларини ҳам шов-шув қилишарди-ку?! Наҳотки бугунги кекса Муҳаммад Алини эслашга арзигулик воқеалар йўқ унинг ҳаётида. Бор. Фақат у юлдузмас-да.

Жаҳон матбуотида Али ҳақида қизиқ хабарни ўқидим. Муҳаммад Али Индонезияга келибди. Уни Сунарно-Хатта халқаро аэропортида бир неча кишигина «кўрибди» холос.

Ҳаёт сурурли. Шафқатсизлигиям бор. Муҳаммад Али ҳозир 54 ёшда. У катта спортни тарк этганига анча бўлди. Матбуотдаям «кўринмай» қолди. Ваҳоланки, у оғир дардга — паркинсон касали билан оғриганидир. Муҳаммад Али катта спортдан кетди, шу билан у гўё «унутилди». Фикр туғилиши мумкин. «Спортчининг шуҳратини рекорд кўз-кўз қиладида, йўқса, ўзининг шахсий ҳаётидан ёш спортчи ёинки мухлисга нима наф?!» Аёвсиз ҳақиқатдир бу. Лекин кўнгил-чи? Унинг кўнглига меҳмон бўлишчи? Менимча керак.

Агар фалакнинг гардиши айланиб шундай имкон бўлса, мен албатта, юлдузнинг ҳузурида бўлишни шараф деб биладим. Майли, Али ўрнатган рекорд «ортда» қолиб кетсин. Барибир мен у билан очиғи, ўтмишдаги «ютуқлари»дан бошқа мавзудаям мириқиб суҳбатлашган бўлардим.

Зотан, юлдузларнинг кўнгли кенг. Меҳмонга жой топилади... Кўнгил меҳмони эса кечаги кунни эмас, бугунни сўрайди.

Халқда «кўнгил сўраб келдим» деган гап бор. Кўнгилга меҳмон бўлиш ҳам фарз-да, асли.

Машҳурнигина эмас, ҳамманинг ҳам кўнглини сўраш савоб. Ёнма-ён ҳамхонангиз ёки яқинингиз, ота-онанинг ҳам кўнглига меҳмон бўлиш мумкинку, ахир.

САИДА.

Япония кўчаларида.
(ЎзА) олган сурат.

15 ЙИЛДАН БЕРИ ЙЎЛДА

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида истиқомат қилувчи Рам Чандра Бисвас жаҳон бўйлаб велосипедда саёҳат қилмоқда. У куни кеча Бухорон шарифга етиб келди.

Биз жаҳонгашта сайёҳни саволга тутдик:

— Мен бундан 15 йил муқаддам, аниқроғи, 1982 йилнинг 21 апрелида йўлга чиққан эдим, — дейди Р. Ч. Бисвас. — Ҳозиргача жаҳоннинг 131 давлатида бўлдим, икки мингдан зиёд шаҳарни томоша қилдим. 390 минг километрга яқин масофани велосипедда босиб ўтдим.

— 15 йиллик сайёҳлик даврида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

— Жанубий Америка чангалзорларида ёввойи қабиланинг қўлига тушиб қолдим. Улар мени душман, қабила айғоқчиси дея қатл қилишларига бир баҳя қолди. Африка қитъасининг Каллахари чўлида озиқ-овқатим ва сувим тугаб ҳолдан тойдим. Бахтимга йўловчи машиналар карвони тасодифан мени бехуш ҳолда топиб олган. 1995 йилда Парижда ошқозонимни операция қилишди. 40 кунлик даволаш харажати — 22,5 минг АҚШ долларини Париж маъмурияти тўлади.

— Ўзбекистон ҳақида таассуротларингиз қандай?

— Бу гўзал диёр мени мафтун этди. Айниқса, ўзбекистонликларнинг истиқлолни қадрланлари, фахрланишлари таҳсинга сазовордир.

Ҳиндистонлик сайёҳ Бухорода уч кун бўлди. Сўнг велосипедда Қорақалпоғистонга қараб йўл олди. У Туркманистонни ҳам айланиб келгач, сайёҳатини Тошкентдан давом эттиради. Рам яна 60 дан зиёд шаҳарни, 10 га яқин мамлакатни кезиб, 2000 йилда, яъни 46 ёшида севимли Калькуттасига қайтмоқчи. У Ҳиндистонга қайтиб боргач, кўрган-кечирганлари ҳақида китоб ёзиш ниятида. Рам биз билан хайрлашар экан, мазкур китобида мустақил Ўзбекистон ҳақида алоҳида боб бўлишини таъкидлади.

Илҳом САФАР.

Ўқинг, қизиқ

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан Ғарбий Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган олий навли, сифатли, экологик жиҳатдан тоза виноларни ва бошқа ичимликларни

СОТАДИ

Тўлов усули турлича.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй. («Халқлар Дўстлиги» метроси қаршисида жойлашган).

Маълумот учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»

Ўзбек — турк қўшма корхонаси полипропилен ун қопларини ҳамда тегирмон валларини пул ўтказиш йўли орқали

СОТАДИ

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Асака кўчаси, 52. НПО «Технолог» биносининг 4-қаватида (3-ун заводининг ёнида). Тел: 68-77-36.

Диққат!

ИМТИЁЗЛИ РЕКЛАМА

"Осиё бозори"

маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ва эълонларини 30% арзон нархларда чоп этади.

Бизга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: (3712) 33-79-14, 33-47-80. Факс: (3712) 33-54-55.

МОЗИЙ ВА НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ижодига бир назар

Тошкент Давлат университетида 60-йилларнинг бошида улкан адибимиз Абдулла Қаҳҳор билан учрашув бўлган эди. Ўшанда машҳур ёзувчимизнинг айтган гапи ҳали-ҳали эсимда: «Биз баъзан ёзувчи маҳорати ҳақида гап кетганда унинг сюжет яратиш борасидаги усталиги, қаҳрамонлар қиёфасини чизишдаги нозик бўёқлар ҳақида ўйлаймиз. Ҳолбуки, ҳақиқий адабиёт — бу китобхон ишонадиган ҳақиқий, тирик одам яратишдан иборатдир». Одил Ёқубов асарларини ўқиганда мен улкан ёзувчимизнинг ана шу ҳикматли сўзларини эслайман. Унинг замон хизматига мойил зўр маҳорат билан яратилган жуда кўп сиймолари гўёки узоқ ўтмишдан қад кўтариб келган тирик шахсларни гавдалантиради.

Қуйидаги мулоҳазаларим эса асосан икки тарихий роман— «Улуғбек хазинаси» ва «Кўҳна дунё» хусусида. Бу асарлар қисқа муддат ичида кўп тилларга таржима қилиниб, ниҳоятда кенг китобхонлар оммасига манзур бўлди. Айниқса, «Улуғбек хазинаси» адибга жуда катта обрў келтирди. Ёзувчининг 50 ёшлик таваллуди муносабати билан 1976 йил ноябрида «Литературная газета»да босилган улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг табрикномасида шундай сўзлар бор эди: «Улуғбеклар тажрибаси инсон насл-насабини унинг ўз нигоҳи олдида юксак мартабага кўтаради. Агар Улуғбеклар бошидан ўтган фожиалар тажрибаси бўлмаганида Улуғбекнинг ўзини ким ҳам биларди? Жаҳон санъатида эса Шекспир, Гёте, Томас Манн ва ҳатто Толстой

1

ЯНВАРДА ЎРИК ГУЛЛАДИ

Мақоланинг сарлавҳасини кўрибоқ, «Ол-а, оширворишибди-ку!» деяётгандирсиз-а?.. Йўқ оширмадик. Гапимиз мутлақо рост! Узоқ жанубда эмас, Ўзбекистондек улкан мамлакатнинг пойтахти Тошкент шаҳрида — 5-Қўйлиқ даҳасидаги 21-уйнинг орқасидаги бир туп май ўриги қийғос гуллаб турганини ўз кўзимиз билан кўрдик биз. Яна қачон денг, қор гупиллаб ёғиб турган ўтган якшанба (19 январь) тонгида гувоҳ бўлдик бу мўъжизага! Бу кутилмаган ҳодисадан қувонишимизни ҳам, хафа бўлишимизни ҳам билолмай, ғалати аҳволга тушдик. Наҳотки, дарахтлар ҳам янглишса! Қишда гуллаган ўрик баҳорни қандай кутиб оларкин? Ёки у ўзини «қаҳрамон» деб фараз қилаётганмикин!..

Ҳайрат

Болалар синдириб ташлаган шохчалардан бир нечтасини ердан олиб, одамларга кўрсатдик. Тўғрисини айтганда, уларнинг ҳеч бири хурсанд бўлмади. Айримлар ҳайратланди, айримлар «ахир энди буни совуқ уриб кетади-ку!» деб ошкора даҳшатга тушди, бошқаларнинг энсаси қотди. «Дарахт гулласа, нима қипти, шунга шунча ваҳимами?» деганлар ҳам бўлди.

Нима ҳам дердик, биз ҳам одамларга завқ-шавқ беролмаган ўрик гулини умримизда биринчи бор кўришимиз эди...

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, Адиба ХУДОЙНАЗАРОВА.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997 yil 23 yanvar, payshanba № 10 (22.095).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухородa — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 28.931 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҳам бундай юксакликларга кўтарилмасди. Инсон руҳининг барҳаётлиги буюк шахс тақдири билан боғлиқдир. Бундай шахс дунёга, ҳақиқатга тик боқади ва жаҳолатга, фикрий қолоқликка нисбатан муросасиз бўлади...» Машҳур адибнинг бу гаплари Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва бошқа тарихий сиймоларни яратишда муаллиф олдида турган вазифанинг нақадар муҳим ва мураккаблигини яна бир карра исботлайди. Ёзувчи ўзи қаламга олган даврни чуқур ўрганган. Айниқса, Мирзо Улуғбек ва унинг ўғли Абдулатиф, Али Қушчи, Ҳазрат Низомиддин Ҳомушларнинг мураккаб ҳаёти ва фаолияти тарихий жиҳатдан асосан тўғри акс эттирилган. Албатта, тарихий ҳақиқатни яратишда адиб бадиий адабиёт талабларига асосланган ҳамда тўқима образлардан ҳам кенг ва ўринли фойдаланган. Лекин бу нарса мазкур асарларнинг тарихий ҳаққонийлигига путур етказмаган, аксинча, ишонарли чиқишини таъминлаган. Масалан, Мирзо Улуғбек нақадар машҳур сиймо бўлмасин, илм-фан соҳасида нақадар катта, оламшумул кашфиётлар яратган бўлмасин, барибир ўз даври, ўз табақасининг фарзанди эди. Адиб асарда Улуғбек шахсидаги энг ноёб фазилатлар — ақл-заковати, донолиги, нодир салоҳияти билан бирга жиддий нуқсонлари ва инсоний заифликларини ҳам дадил кўрсатиб беради. Шу ақли, истеъдоди билан бир зум ҳам салтанатдан воз кечгиси келмайди. Фақат умрининг энг сўнгги фожиали дамларидагина у шундай етук ақл-заковатини «беваф тожу тахт» учун жувонмарг қилганидан пушаймон бўлади, афсус-надоматлар чекади. Ёзувчининг маҳорати ҳам шундаки, у Улуғбек образидаги нуқсонларни очгани сайин бизнинг ул зотга муҳаббатимиз ортиб боради.

«Кўҳна дунё»да эса буюк сиймолар, мустабид подшо ва оддий одамлар образлари кўз олдимизда намоён бўлади. Муаллиф илк ўрта аср воқеаларини тарихий реал далиллар суянган, бадиий тўқима воситасидан моҳир фойдаланган ҳолда тасвирлайди. Ҳамма қаҳрамонларни, шу жумладан, феодал даврининг энг катта ва қудратли ҳокими Султон Маҳмуд Ғазнавий, буюк сиймолар Абу Райҳон Беруний билан Абу Али ибн Синони зиддиятларга тўла даҳшатли давр гирдобига ташлайди. Бундай ҳолат уларнинг ҳақиқий образларини, шафқатсиз ҳокимлар сифатида ғазнавийларни ва икки улуғ уламо фаолиятини очиб берган.

Вақт нуқтаи назаридан воқеалар бир-икки ойда бўлиб ўтса-да, кўп қаҳрамонлар, хусусан Беруний билан ибн Синоларнинг қувонч ва изтироблари, одил шоҳ қидириб бефойда ўтган йиллари, дарду ҳасратлари билан танишамиз. Ҳатто улар ёзган асарларнинг яратилиши ва қилган кашфиётлари (хусусан Беруний)нинг жонли гувоҳи бўламиз. Икки аллома ҳам бор иқтидорларини илмга бағишлаш орзуси билан яшайди, шунинг учун ҳам улар саройдаги тубанликларидан, иғво, фисқу-фасодлардан, ҳокимият учун бўлаётган курашлардан йироқ юришга интиладилар. Лекин ҳаёт қонунияти шундайки, бу мудҳиш вазиятдан чиқишнинг иложи йўқ. Чунки оғир васваса дардига чалинган Султон Маҳмуд истаги билан бош вазир саройи тевараги даҳшатли тўқнашувлар гирдобига икки сиймо ҳам тортилади. Фирибгар вазир туфайли Султоннинг дардига даво беришга қобил Ибн Сино ўрнига сохта, ҳаммага ўзини Ибн Сино деб таништириб, алдаб юрган Абу Ҳалим ибн Файсал (лақаби— Абу Шилқим ибн Шаҳвоний)ни чин Ибн Сино қилиб келтиради. Ҳақиқий табибни танийдиган Абу Райҳон Беруний ноилож бундай мудҳиш ишга тортилади. Бу шиддатли курашда Беруний, ҳақиқий Ибн Сино ва Малиқул шароб каби пок одамлар ҳақиқат ва адолатдан бир қадам ҳам чекинмайдилар. Бошларига қилич келса-да, ўз эътиқодларидан қайтмайдилар.

Шу нарсани ҳам эслатиш лозимки, «Кўҳна дунё» фақат Беруний билан Ибн Сино ҳақидаги роман эмас, балки номидан кўриниб турганидек, зулм ва адолатсиз замонда пайдо бўлган илк феодал даврининг «телба ўйинлари», бутун оламни тиз чўктириш иштиёқида ёнган мустабид ҳукмдорлар ва уларнинг аянчли тақдирлари ҳақидадир.

Мазкур икки ажойиб тарихий романнинг узвий давоми тарзида яқин ўтмишда рўй берган ўлкамизнинг энг янги даври тарихини тушунишда муҳим восита вазифасини ўтовчи «Адолат манзили» романи ҳам адибнинг катта ютуғи бўлди. Афсуски, ҳозирги ўтиш даврига хос оғир иқтисодий шароитда китобхонларга тўла етиб бормаган бу янги асар шубҳасиз ҳали кўп шов-шувларга сабаб бўлади. Ҳозир ҳам уни ўқиганлар орасида биров яхши ижобий фикр билдирса, бошқаси берироқ, учинчи киши эса уни ҳазм қила олмаганлигини айтиб, айрим фожиавий воқеалар мени жуда эзиб қўйди, деган фикрларни билдирмоқдалар.

Ҳудога минг шукрки, романда тасвирланган бугун тарихга айланган воқеалар, қаҳрамонлар бошидан кечган кўргиликлар шу даражада оғирки, уни ўқиган кишини бир неча вақтлар турли туйғу-ҳиссиётлар қамраб олади ва эзади. Асарда 1984-1988 йилларда Москва томонидан пахтачилик соҳасида Ўзбекистонда мисли кўрилмаган даражада кўзбўямачилик бор, деган баҳонада амалга оширилган қонунбузарликлар ва қирғинлар тўғрисида сўз кетади. Уларни бирма-бир тасвирлаш, айтмоқ...

Энг даҳшатлиси, нафақат айбдорлар, ҳатто кўзбўямачилик, порахўрликка мутлақо алоқаси бўлмаган юртдошларимиз ҳам зириллаб қолган эди. Худди 30- йилларда содир бўлган қатағондек кўплар кечаси ёстиққа бош қўяр экан, тонгда саломат турармиканман, деган хавотирда яшадилар. Хуллас, ўша йиллари ўрмонга ўт кетди. Ҳўлу қуруқ баравар ёнди.

Романнинг муваффақиятларидан бири, муаллиф асар марказига ниҳоятда пок, беғубор, ҳалол бир оилани олиб чиққан. Асар қаҳрамонлари — Суюн Бургут ва унинг жуфти ҳалоли Маржоной бир-бирларига жуда меҳр қўйиб, турмуш қуришган. Уларнинг севгиси қандай топишиб, қандай висолга етганликлари ҳақидаги саҳифаларнинг энг ёруғ нуқталари десак бўлади. Ёзувчи шундай бўёқлар топганки, биз уларнинг севгиси нақадар пок ва чуқур эканлигига сира шубҳа қилмаймиз. Маржоной Маржонтовда туғилган. Болалиги ўша гўзал тоғ ва дараларда ўтган. Лекин отаси Маматмерган улоқда йиқилиб, оламдан ўтганидан кейин онаси Бибисора момо-ёшлигида жуда кўҳлик бўлган жувон ўша вилоят обкомининг ёлғиз қолган биринчи котибига (Бибисора, уни ветеран деб атайди) турмушга чиққан. Аммо бу орада ветеран ишдан олиниб, Тошкентга келади, Маржонойни ўз қизидан ортиқроқ севиб, ардоқлаб, алқаб ўтиради. Бироқ Маржоной тўққизинчи синфни битиргандан кейин уни Тиббиёт институтига киритишига кўзи етмаган ветеран қизни бир йил ўз вилоятида ўқиб, аттестат олиб келсин деган мақсадда Маржонтовга юборади. Гўзал Маржоной қишлоқда табиатан ғалати, мард, танти, чапани, шоиртабиат Суюн Бургут билан бир синфда ўқийди. Ўзида бахшилик иқтидори бўлган Суюн Бургут Маржоной билан бирга тўйларда дўмбира чалиб ўлан айтадилар. Шундай қилиб, улар Бибисора момо билан ветеран бобони доғда қолдириб, олий мактаб ҳақидаги орзуларидан ҳам воз кечиб, висолга етишадилар. Тўғрироғи, Суюн Бургут Маржонойнинг ризолиги билан уни Маржонтовга олиб қочиб кетади. Кейинчалик ветеран уларни ўқитади. Маржоной ўқитувчи, куёв ветеринария врачи бўлиб етишади. Сал ўтмай эса машҳур чорвачилик совхозига директорликка тайинланади. Драма ҳам шу ердан бошланади: Чунки совхознинг собиқ директори Мансурмеш «Менинг мансабимни обком котибига катта пора бериб тортиб олдинг» деган бўҳтон гап тарқатади. Бу эса айнан шу йиллари Ўзбекистонда изгиб юрган москвалик «десантчи»лар тўдасига сариёғдек ёқади. У ёғи ҳаммамизга маълум фожиалар бошланади...

Мен бир нарсага аминман: «Адолат манзили», юқорида қайд қилинганидек, кўп баҳсмунозараларга асос бўладиган жиддий, чинакам фалсафий асар. Яна бир муҳим жиҳати, роман ҳурлик ва озодликнинг бебаҳо қадр-қиммати беқиёслигини, қолаверса, бу неъматни қадрламоқни ўргатади.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

2

3

4

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

ONA DIYOR MADHI

BUXORO. Qorako`ldagi 2-madaniyat uyida shaharning 2500 yilligiga bag`ishlangan badiiy kecha o`tkazildi. Tumanning 70 yillik to`yiga bag`ishlab esa "Ona diyor madhi" deb nomlangan teatrlashtirilgan bayram sayli uyushtirildi. O`ziga xos bayramda viloyat hokimi S. Husenov bilan tuman hokimi D. Toshev ishtirok etishdi.

Fotima JUMAYEVA.

VELOSIPED MINGAN ALOQACHILAR

SIRDARYO. Guliston shahar elektr aloqa tarmog`i montyorlari hamda elektr sozlovchilarning omadlari keldi. Korxonadagi 20 nafar montyor, elektr sozlovchi hamda brigada boshliqlariga narhi 8,5 ming so`mlik velosipedlar berildi. Bu bilan aholiga xizmat ko`rsatish yanada yaxshilandi.

Abdujalil UMAROV.

"DAMAS" UCHUN USTAXONA

ANDIJON. "O`zavtotexxizmat" aksionerlik jamiyati kafolatli xizmat ko`rsatuvchi qo`shma ustaxona tashkil etdi. "O`zDEUavto" Korxonasida ishlab chiqarilayotgan "Damas" mashinasini qayta sozlash uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Malakali ustalar "Neksiya" hamda "Tico" mashinalari egalarining ham hojatini chiqarishmoqda.

Ahmadillo SOLIYEV.

Спорт

МАВСУМОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Шу кунларда Қибрай ўқув-машғулот маркази ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда мамлакатимиз ва қўшни давлатлардан келган футбол жамоалари мавсумга ҳозирлик кўришмоқда. Жумладан, Қозоғистоннинг Оқтов шаҳри «Мунайши» футболчилари иккита ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Тошкентнинг «Трактор» жамоаси қозоқ футболчиларига 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Ўзининг 40 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган пахтакорчилар эса мавсумга кўтаринки руҳда шайланишаётганини намойиш этдилар. Улар Оқтов футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

АСОСИЙ ДАЪВОГАРЛАР

Маълумки, келаси йили Францияда жаҳон футбол чемпионати ўтказилади. Шу кунларда Жанубий Америка ва Африка шаҳарларида йирик футбол анжуманига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Лотин Америкаси гуруҳида Уругвай ва Аргентина жамоалари ўзаро куч синашди. Бу ўйинда ҳисоб очилмади.Бу гуруҳдаги футбол жамоалари орасида Колумбия 17 та, Парагвай 14 та, Аргентина ва Уругвай 10 тадан очко билан чемпионатнинг финалига бериладиган тўрт йўлланмадан бирига даъвогарлик қилишмоқда. Африка футбол жамоалари 20 та бўлиб 5 гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашмоқдалар. Иккинчи босқич, иккинчи тур ўйинларидан кейин Гвинея, Тунис жамоалари 6 тадан очко билан Францияга бориш имкониятини деярли қўлга киритишди. Қолган уч йўлланмага Конго, Камерун, Марокаш жамоалари тўрттадан очко билан талабгор бўлиб туришибди.

ЭЪЛОН

Очиқ турдаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамиятининг фирма магазинлари аҳолидан ва савдо ташкилотларидан 0,33 литр сиғимдаги шиша идишларни қабул қилади.

Алоқа учун телефонлар: 63-93-63, 63-87-09.

Тортишув. Содиқжон МАҲКАМОВ олган сурат.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «САНЛИ КОММЕРС» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 24-09-45.

***

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «САНЛИ КОММЕРС» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви ва жамоаси Жамғарма ишларини ривожлантириш, маркетинг ва қимматли қоғозлар департаменти бошлиғи Н. Б. Жияновга падари бузруквори **БЎРИ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.